

ҲУДУДЛАРДА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ДАРОМАДЛАР МАНБАИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ (ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Бурханов Ақтам Усманович,
ТДИУ профессори, и.ф.д.

E-mail: Burkhanov.a.u@yandex.ru

Қурбонов Хайрулла Абдурасулович,
ТДИУ доценти, и.ф.н.

E-mail: Kurbonov1301@inbox.ru

Аннотация: Ушбу мақолада маҳаллий бюджетлар даромад базасини шаклланишининг илмий-амалий асослари ёритиб берилган. Ҳудудлар иқтисодий салоҳиятидан оқилона фойдаланиш орқали маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлаш имкониятлари асосланган.

Аннотация: В данной статье раскрыта научно-практические основы формирования доходной базы местных бюджетов. Обоснованы возможности стабилизации доходной базы местных бюджетов путем оптимального использования экономического потенциала регионов.

Abstract: In this article are disclosed the scientific and practical foundations of the formation of the revenue base of local budgets. The possibilities of stabilizing the revenue base of local budgets through the optimal use of the economic potential of the regions are justified.

Таянч сўзлар: маҳаллий бюджет, солиқ юки, солиқ маъмурчилиги, субвенция, дотация, ҳудудлар иқтисодий салоҳияти, бюджет ссудалари, маҳаллий солиқлар, фискал омил.

Кириш

Мамлакатимизда бюджет-солиқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар замирида аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожига кенг имконият яратиш мақсади мужассамдир. Хусусан, иқтисодиётда солиқ юкини янада камайтириш, солиқ солиш механизмини соддалаштириш ҳамда солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар ана шу мақсад рўёбига қаратилмоқда.

Шу сабабли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида”да тармоқлар ва минтақаларни барқарор ривожлантириш ҳисобига ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилишини таъминловчи маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаини кенгайтириш вазифаси қўйилган бўлиб, ушбу вазифани бажаришда қуйидаги масалаларни ҳал этиш кўзда тутилади:

- минтақаларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтириш;

- маҳаллий бюджетлар даромадларини ошириш мақсадида, солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш;

- харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда, давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш ва бошқалар.

Ушбу вазифаларни тўлақонли бажарилиши тармоқлар ва минтақаларни барқарор ривожлантириш ҳисобидан маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаини кенгайтириш, ўз-ўзидан маҳаллий ҳокимиятнинг турли хилдаги ижтимоий-иқтисодий тадбирларни амалга ошириш имкониятини кенгайтиради.

Ижтимоий-иқтисодий соҳадаги давлат сиёсатининг жойлардаги самарали ижроси маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг молиявий имкониятларига боғлиқдир. Замонавий шароитларда эса маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини шакллантириш амалиёти уларнинг тўлиқ молиявий мустақиллигини таъминлаш билан бирга, ҳудуд иқтисодий салоҳиятидан оқилона фойдаланиш орқали бюджетга тушумларни кўпайтиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари рағбатлантирувчи тавсифга эга бўлмаётир.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу соҳадаги муаммоларга тўхталиб, “...ҳудудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни молиялаштириш учун маҳаллий бюджетларнинг маблағлари етарли эмас” [1], - деб таъкидлаб ўтдилар.

Дарҳақиқат, бугунги кунда маҳаллий бюджетлар даромадини ошириш, уларнинг барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш, бунда илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда кенг қўллаш орқали ушбу масалага тизимли ёндашиш муҳим аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Маълумки, давлат молияси тизимининг долзарб муаммоларидан бири сифатида, маҳаллий бюджетлар барқарорлигини таъминлаш умумиқтисодий ва молиявий омилларга боғлиқ бўлиб, аксарият иқтисодчилар молиявий омиллар сифатида даромадларни бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимлаш тизимини эътироф этиб ўтадилар. Хусусан, А.Хайриддинов фикрича [2, 13-б.], ҳар бир маҳаллий маъмурий ҳудуддаги солиқ тизими томонидан ундирилиши лозим бўлган умумдавлат солиқлари бўйича солиқ суммаларининг маълум бир қисмини бевосита маҳаллий бюджетларнинг ихтиёрларига бириктирилган даромадлар кўринишида қатъий ҳиссада ва доимий асосда қолдирилиши олдиндан белгиланиб қўйилиши кераклигини таъкидлайди. Бунда асосий урғу даромадларни бюджет тизими бўғинлари ўртасида қайта тақсимлашнинг асосий комбинацион вариантларидан бири

бўлган меъёрий ажратмалар тизимини такомиллаштиришга қаратилмоқда. Шунингдек, муаллиф бозор иқтисодиётининг талабларидан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлигини таъминлашда уларнинг бириктирилган даромадларига устуворлик бериш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди [2, 16-б.]. Умуман олганда фикримизча, меъёрий ажратмалар ва бириктирилган даромадларни такомиллаштириш орқали маҳаллий бюджетларни даромад базасини кенгайтириш бошқа муқобил қарорлар орасида самарали усуллардан бири ҳисобланади.

Бу борада А.Х. Исламқулов, республикада давлат бюджети даромадлари барқарорлиги, турли даражадаги бюджет даромадлари мутаносиблигини таъминлаш мақсадида марказий ва маҳаллий давлат ҳокимиятларининг молия-бюджет, бюджет-солиқ соҳаларида ваколатларини аниқ белгилаб олиш лозимлигини таъкидлайди [3]. Бунда муаллиф бюджет тизимининг бўғинлари ўртасида даромад ваколатлари ва харажат мажбуриятларини оптимал тақсимлаш тизимини маҳаллий бюджетлар барқарорлигини таъминлаш горизонтида амалга оширишни илгари суради.

Усмонов Қ.А. эса, бюджет даромадларини режалаштиришнинг аҳамияти тўғрисида тўхталиб [4], ҳозирги кунда бюджет даромадларини режалаштириш учун зарур маълумотлар базасини етарли ва сифатли даражада шакллантириш ҳамда бу борадаги ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва бюджет даромадларини режалаштириш жараёни тартиби, усули, муддати ҳамда иштирокчилар вазифаларини аниқ кўрсатиб берувчи ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш лозимлигини илгари суради.

Айрим иқтисодчилар фикрига кўра [5], маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустақамлашнинг муҳим йўлларида бири маъмурий ҳудудларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасига қараб реал тарзда табақалаштириш имконини берадиган объектив мезонлар тизимига ўтиш ҳисобланади.

Профессор Ш.А. Тошматов [6], маҳаллий бюджетга солиқ тушумларини оширишга йўналтирилган бир қатор тадбирларни келтириб, унда солиқларни турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимлаш тизимини маҳаллий ҳокимиятларнинг солиқ тушумларини максималлаштиришдан манфаатдорлигини таъминлаш контекстида такомиллаштириш бўйича фикр мулоҳазаларни бериб ўтади. Шунингдек, ҳудудий солиқ салоҳиятни баҳолаш ва маҳаллий солиқларни ўндириш механизминини такомиллаштириш зарурлигини илгари суради.

Бошқа иқтисодчиларнинг фикрига кўра [7], маҳаллий бюджетларни самарали бошқарувини тизимли тартибга солишда солиқ юки даражасини асосли равишда камайтириб бориш, давлат бюджети даромадлари таркибида бевосита ва билвосита солиқлар улушини ошириш ёки солиққа тортиш нисбатининг оптимал даражасини аниқлаш лозимлиги таъкидланади.

Юқоридаги кенг иқтисодчилар жамоаси томонидан илгари сурилаётган фикр мулоҳазаларда маҳаллий бюджетлар даромад базасини кенгайтиришнинг ҳозирги шароитдаги долзарб молиявий омиллари тадқиқ этилган. Ушбу омиллар контекстидаги ислохотлар марказ-ҳудуд масшабида молиявий оқимларни барқарорлаштириш билан бирга маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳудуд иқтисодий салоҳиятидан оқилона фойдаланиш тизимини рағбатлантирувчи молиявий механизмни шакллантириш имкониятларини яратади.

Фикримизча, бюджет тизимининг турли бўғинлари ўртасида даромадларни қайта тақсимлаш тизимининг негизини ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги ассиметрик тафовут ҳисобланади. Шунинг учун маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини таъминлашда, биринчи навбатда, ҳудудлар иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ундан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Бу борада иқтисодчилар Н. Гроенендјук ва А.Янсоолар (Nico Groenendijk, Annika Yansoo) [8] ўтиш даврини бошдан кечираётган Болтиқбўйи мамлакатларини солиштирма таҳлилига асосланиб даромадларни марказий бюджет орқали қайта тақсимлаш тизимининг кўлами ва масшабни мамлакат ҳудудларининг иқтисодий ривожланишидаги тафовутга боғлиқлигини асослайдилар.

Мамлакатнинг яхлит мувозанатли тараққиётини таъминлашнинг Р. Масгрейв (Richard A. Musgrave) назариясига кўра [9], марказий ҳокимиятнинг асосий функционал вазифаси ҳисобланади. Мамлакат аҳолисини давлат ижтимоий хизматлари билан мутаносиб таъминлашнинг иқтисодий механизмлари ҳудудий иқтисодий салоҳиятни юксалтириш ва ундан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш тизимини шакллантириши зарурдир.

Тадқиқот методологияси

Таҳлил жараёнида маълумотларни статистик гуруҳлаш, қиёсий ва трендли таҳлил усулларидан фойдаланилди. Мақолада иқтисодчи олимларнинг давлат молия тизимининг долзарб масалаларидан бири сифатида маҳаллий бюджетлар барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий-назарий қарашлари қиёсий таҳлил қилинган. Шунингдек, трендли таҳлил даври 7 йилни (2010-2016 йй.) қамраб олганлиги сабабли Қашқадарё вилояти маҳаллий бюджет даромадлари манбаи тенденцияси аниқланган.

Таҳлил ва натижалар

Республикамизда марказий даражада бюджетлараро муносабатлар тизими нисбатан барқарорлаштирилган бўлса-да, маҳаллий даражадаги бюджетлараро муносабатлар тизимида ечимини кутаётган муаммолар мавжуддир. Айниқса нисбатан иқтисодий салоҳияти юқори бўлган ҳудудларимизда, манзилли бюджет трансфертларига эҳтиёжманд туман ва шаҳарларимизнинг мавжудлиги ушбу соҳадаги ислохотларни тизимли равишда кучайтиришни талаб қилмоқда.

Ҳудудларнинг маҳаллий бюджетлар даромадларини барқарорлигини таъминлаш, уларни самарали бошқариш ҳамда солиқ тушумларини ошириш масалаларининг муҳимлигини эътиборга олиб, юқори иқтисодий салоҳиятга эга бўлган ҳудудлардан бири Қашқадарё вилоятининг маҳаллий бюджет даромадларига баҳо берамиз.

Қашқадарё вилояти йирик ва стратегик аҳамиятга эга бўлган саноат корхоналари ҳисобига иқтисодий салоҳияти юқори бўлганлиги сабабли, давлат бюджетига даромадлар тушумида юридик шахслар томонидан тўланадиган солиқларнинг ҳиссаси юқори ҳисобланади.

Ҳар бир ҳудуд иқтисодиётининг ривожланганлик даражаси, унинг тармоқ таркиби хусусиятлари яратиладиган ялпи ҳудудий маҳсулот ҳисобига шакллантириладиган бюджет даромадларига таъсир этади. Қашқадарё вилоятида жами 13 та туман ва 1 та шаҳар мавжуд бўлиб, вилоят Республика ЯИМни шакллантиришда ЯҲМнинг улуши бўйича 7,5 фоизни ташкил қилади [11].

1-жадвал


Қашқадарё вилоятида давлат бюджетига ундирилган даромадлар, млрд.сўм.

Кўрсаткичлар	Йиллар						
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
Даромадлар - жами	772,7	1093,9	1150,1	1297,7	1512,4	1587,7	1765,0
Бевосита солиқлар	325,8	392,9	539,9	492,5	488,5	515,5	591,3
Билвосита солиқлар	326,9	529,1	422,0	415,4	490,6	593,2	573,8
Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	109,4	155,2	167,1	338,0	473,8	399,3	494,5
Бошқа даромадлар	10,5	16,6	21,0	51,6	59,4	79,6	105,2

Манба: Қашқадарё вилояти ҳокимияти Иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, Қашқадарё вилоятининг даромадлари (мақсадли жамғармаларсиз) –2010 йилда жами 772,7 млрд. сўмни, 2016 йилга келиб эса, ушбу кўрсаткич 1765,0 млрд. сўмни ташкил этган. Бевосита солиқларнинг номинал миқдори 2010 йилда 325,8 млрд. сўмни, 2016 йилда эса 591,3 млрд. сўмни ташкил этган.

Демак, ушбу таҳлил қилинаётган даврлар мобайнида Қашқадарё вилоятида давлат бюджетига ундирилган жами даромадларда бевосита солиқлар етакчилик қилмоқда. Ушбу солиқларда тушумлар миқдори таҳлил қилинаётган даврларда юқори ўсиш тенденциясига эга бўлса-да, бевосита солиқларга нисбатан ўсиш суръати нисбатан юқори бўлмаганлигини кўришимиз мумкин. Ресурс тўловлари ва мулк солиғининг миқдори эса, 2010 йилда 109,4 млрд. сўмни, 2016 йилга келиб эса 494,5 млрд. сўмни ташкил этмоқда.



1-расм. Қашқадарё вилоятида давлат бюджетига ундирилган даромадларда солиқларнинг улуши

Манба: Қашқадарё вилояти ҳокимияти Иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

Қашқадарё вилоятида давлат бюджетига ундирилган даромадлар тушумининг таркибий таҳлили тасдиқлайдики, ресурс солиқларининг жами бюджетга тушумлардаги салмоғи 2011-2014 йилларда барқарор ўсиш суръатига эга бўлган. Шунингдек, бевосита солиқлар бўйича тушумлар 2014-2016 йилларда заиф бўлсада ўсиб борган.

Бинобарин таҳлил қилинаётган даврда бошқа даромадлар яъни солиқсиз даромадлар улушининг 2010 йилда 1,4% дан 2016 йилга келиб 6%га ўсиб борганлигини кўришимиз мумкин. Тушумларнинг ўсиш динамикасида бошқа даромадлар юқори салмоқни ташкил этмоқда. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

2-жадвал

Қашқадарё вилоятида давлат бюджети даромадларининг манбалари кесимида йиллик ўсиш динамикаси

Кўрсаткичлар	Йиллар						
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
Жами даромадлар	100	141,6	105,1	112,8	116,5	105	111,2
Бевосита солиқлар	100	120,6	137,4	91,2	99,2	105,5	114,7
Билвосита солиқлар	100	161,9	79,8	98,4	118,1	120,9	96,7
Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	100	141,9	107,7	202,3	140,2	84,3	123,8
Бошқа даромадлар	100	158,1	126,5	245,7	115,1	134	132,2

Манба: Қашқадарё вилояти ҳокимияти Иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

Таҳлил қилинаётган даврда жами даромадларни йиллик ўсиш тенденциясида юқори ўсиш суръатлари 2011 йилда (141,6%), 2012 йилда (105,1%) ва 2013 йилда (112,8%) кузатилган. 2016 йилга келиб ўсиш суръати 111,2%ни ташкил қилган. Демак, охириги 2 йилда даромадларнинг олдинги йилга нисбатан ўсиш суръатида нисбатан пасайиш кузатилган. Юқори ўсиш суръатлари бевосита солиқларда 2011 йилда (120,6%) юқори ўсиш суръати кузатилган. Лекин, 2016 йилда ўсиш суръати 115 %ни ташкил этиб ўсиш суръатида пасайиш кузатилган. 2016 йилда 2015 йилга нисбатан юқори ўсиш

суръати бошқа даромадларда (132,2%) кузатилган. Демак, Қашқадарё вилоятида бевосита солиқлар асосий фискал омил ролини бажармоқда.

Бевосита солиқлар бўйича тушумлар самарадорлигига унинг элементи ҳисобланувчи ҳар бир солиқлар бўйича тушумлар ўзига хос равишда таъсир этган. Бевосита солиқларнинг алоҳида турлари бўйича тушумлар салмоғи тўғрисидаги маълумот 3-жадвалда келтирилган.

Жадвал маълумотлари кўрсатадики, жами бевосита солиқлар таркибида жисмоний шахслардан олинган даромад солиғининг салмоғи юқори кўрсаткични ташкил этмоқда. Жумладан, 2010 йилда жами бевосита солиқлар таркибида жисмоний шахслар даромадларидан олинган солиқнинг улуши 36,6%ни, 2016 йилга келиб эса 47,8%ни ташкил этмоқда. Демак, ушбу солиқларнинг жами давлат бюджетига ундирилган даромадлардаги улушида пасайиш кузатилмоқда. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар ҳам ўсиб бормоқда. Агар, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан давлат бюджетига ажратмаларнинг жами бевосита солиқли даромадлар таркибидаги улуши 2010 йилда 10,3 фоизни ташкил қилган бўлса, 2016 йилга келиб эса ушбу кўрсаткич 22,1 фоизни ташкил этди. Бу ўз навбатида, Қашқадарё вилояти иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланиб бораётганлигидан далолат беради. Натижада, солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибида солиқ тўловчи кичик тадбиркорлик субъектларининг нафақат ҳудуд иқтисодиёти балки, давлат бюджети даромадларининг шаклланишидаги аҳамияти ортиб бормоқда.

3-жадвал

Қашқадарё вилояти давлат бюджетига бевосита солиқлар ва уларнинг алоҳида турлари бўйича тушумлар салмоғи, фоизда

Кўрсаткичлар	Йиллар						
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
Бевосита солиқлар	100	100	100	100	100	100	100
Юридик шахслардан олинган фойда солиғи	22,0	16,2	21,7	14,4	12,2	10,5	14,2
Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан давлат бюджетига ажратмалар	10,3	12,8	10,6	14,4	18,4	21,5	22,1
Жисмоний шахслар даромадига солиқ	36,6	37,4	32,5	42,0	50,0	50,4	47,8
Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ	2,7	3,1	3,2	5,1	7,3	8,6	8,8
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	28,3	30,5	32,0	24,1	12,1	9,0	7,2

Манба: Қашқадарё вилояти ҳокимияти Иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

Қолаверса, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқнинг 2010-2016 йилларда жами бевосита солиқлардаги улуши ортиб борган. Бевосита солиқларнинг 2010-2016 йиллардаги ўсиш динамикасини қуйидаги жадвал маълумотлари асосида кўришимиз мумкин.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, бевосита солиқлардаги йиллик ўсиш суръатида юқори кўрсаткич 2011 йилда (120,6%), 2012 йилда (137,4%) ва 2015 йилда (105,5%) кузатилган. Юқори даражадаги ўсиш суръати соддалаштирилган солиққа тортиш тартибининг элементлари ҳисобланувчи солиқларга тўғри келмоқда. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича тушумлар суръати 2011 йилда 2010 йилга нисбатан қарийиб 1,5 баробарга (129,7%) ортган. 2015 йилда (78,9%), 2016 йилда (91,7%) ташкил этганини кўришимиз мумкин.

Бевосита солиқлар бўйича юқоридаги жадвал маълумотлари асосида қуйидагича хулосалар қилиш мумкин:

Биринчидан, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича тушумларнинг номинал мазмундаги йиллик ўсиш суръати юқори даражада бўлаётган бўлса-да, таҳлил қилинаётган даврда вилоятда ундирилган жами бюджет тушумлари таркибида ушбу солиқни камайиши кузатилмоқда. Ушбу солиқ тушумларининг номинал мазмундаги ўсиши аҳоли даромадларининг изчил ортиб бораётганлигидан далолат беради.

4-жадвал

Қашқадарё вилояти давлат бюджетида бевосита солиқлар ва уларнинг алоҳида турлари бўйича йиллик ўсиш суръати динамикаси, фоизда

Кўрсаткичлар	Йиллар						
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
Бевосита солиқлар	100,0	120,6	137,4	91,2	99,2	105,5	114,7
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	100,0	88,8	183,5	60,5	84,5	90,2	155,1
Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан давлат бюджетига ажратмалар	100,0	150,1	113,7	124,3	126,4	123,3	117,9
Жисмоний шахслар даромадига солиқ	100,0	123,2	119,5	117,9	118,0	106,4	108,7
Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ	100,0	136,9	142,8	142,6	142,9	124,3	117,4
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	100,0	129,7	144,3	68,8	49,7	78,9	91,7

Манба: Қашқадарё вилояти ҳокимияти Иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

Иккинчидан, вилоятда давлат бюджетига тушумлар миқдори юқори суръатда ўсиб бораётган солиқлар қаторида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан олинадиган ягона солиқ тўлови етакчи ўринга эга бўлмоқда. Истиқболда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш нафақат ҳудуд иқтисодиёти, балки маҳаллий молия барқарорлигини таъминлашда ҳам муҳим иқтисодий омил ҳисобланади. Демак, вилоятнинг солиқ салоҳиятини ошириш ва маҳаллий бюджет даромад

базасини мустаҳкамлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун норасмий секторда фаолият юритувчи тадбиркорларни расмий рўйхатдан ўтказиш орқали бюджетга тушумларни кўпайтириш мақсадга мувофиқ.

Қашқадарё вилоятида давлат бюджетига ундирилган билвосита солиқларнинг турлари бўйича салмоғи шуни кўрсатмоқдаки, билвосита солиқлар таркибида қўшилган қиймат солиғининг миқдори юқори кўрсаткични ташкил этмоқда. Хусусан, ушбу солиқнинг билвосита солиқлардаги улуши 2010 йилда 89,3 фоизни ташкил қилган бўлса, 2016 йилга келиб ушбу кўрсаткич 74,1 фоизни ташкил этди.

Акциз солиғи таҳлил қилинаётган 2010-2016 йиллар мобайнида номинал мазмунда ўсиб борди. Транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газни истеъмол қилганлик учун солиқ ҳам ўсиб бориб 2010 йилда билвосита солиқлар таркибида 6,2%ни ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб 20,8%ни ташкил қилди. Демак, номинал мазмунда билвосита солиқлар таркибида қўшилган қиймат солиғи етакчи ўринга эга бўлиши билан биргаликда таҳлил қилинаётган даврда тушумлар миқдори тез суръатларда ўсиб бормоқда.

5-жадвал

Қашқадарё вилояти давлат бюджетига билвосита солиқлар ва уларнинг алоҳида турлари бўйича тушумлар салмоғи, фоизда

Кўрсаткичлар	Йиллар						
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
Билвосита солиқлар	100	100	100	100	100	100	100
Қўшилган қиймат солиғи	89,3	92,3	88,6	84,3	80,7	79,1	74,1
Акциз солиғи	4,5	2,4	2,9	5,1	4,8	4,2	5,1
Транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газни истеъмол қилганлик учун солиқ	6,2	5,3	8,5	10,6	14,5	16,7	20,8

Манба: Қашқадарё вилояти ҳокимияти Иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида турли мулк шакллари қарор топтириш ва кўп укладли иқтисодиётни ривожлантириш асосида бюджетнинг даромадлар тушуми қонун ҳужжатлари мувофиқ юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг тўлаган солиқлари ва солиқсиз тўловлари асосида тўпланади. Қашқадарё вилояти туман ва шаҳарларнинг жами вилоятда ундирилган давлат бюджети даромадлардаги улуши турли-тумандир.

Вилоятнинг туманлар кесимида бюджетга ундирилган даромадлари таҳлили кўрсатадики, иқтисодий салоҳияти юқори шаҳар ва туманларда бюджетга тушумлар миқдори ҳам юқори бўлмоқда. Қолаверса, шаҳар ва туманлар иқтисодиётини янада ривожлантириш ҳисобига ЯХМни миқдор жиҳатдан кўпайтиришга йўналтирилган ислоҳотлар натижасида солиқ

базасинининг кенгайиши ҳисобига юқорида тилга олинган ҳудудларда давлат бюджетига тушумлар миқдори ортиб борган.

Натижада, Қашқадарё вилоятида давлат бюджетига даромадлар тушумида ҳам иқтисодий фаоллиги юқори бўлган ҳудудларнинг ҳиссаси юқори бўлган (6-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўринадики, жами Қашқадарё вилоятида давлат бюджетига ундирилган даромадларда Қарши шаҳри етакчилик қилмоқда. Хусусан, Қарши шаҳрининг 2010 йилдаги улуши 11,3%ни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2016 йилга келиб 6,8%ни ташкил этмоқда. Лекин, таҳлил қилинаётган даврда Қарши шаҳрининг улушида пасайиш тенденцияси кузатилмоқда. Ушбу ҳолат таҳлил қилинаётган даврлар мобайнида Шаҳрисабз, Миришкор, Деҳқонобод, Муборак каби туманларнинг улушини ортиб бориши ҳисобига кузатилмоқда.

6-жадвал

Қашқадарё вилояти туманларининг давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги улуши тўғрисида маълумот (%да)

Шаҳар ва туманлар номи	Йиллар						
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
Қарши шаҳар	11,3	8,7	8,8	9,7	7,5	7,7	6,8
Ғузор тумани	6,8	6,1	5,9	7,6	5,3	5,8	5,8
Деҳқонобод тумани	1,0	1,9	1,9	1,5	1,4	2,1	2,1
Қамаши тумани	1,6	1,4	1,5	1,5	1,4	1,7	1,7
Қарши тумани	2,1	1,9	2,2	2,5	2,5	2,9	3,8
Косон тумани	4,7	3,7	3,3	4,0	4,2	4,6	4,4
Китоб тумани	1,6	1,6	2,4	1,8	1,9	2,3	2,4
Муборак тумани	1,6	1,9	2,6	4,0	1,6	2,2	2,8
Нишон тумани	3,3	2,9	3,1	3,3	3,9	5,2	3,9
Касби тумани	1,5	1,3	1,3	1,6	1,3	1,7	1,8
Миришкор тумани	1,3	1,1	1,1	1,2	1,0	2,2	2,6
Чироқчи тумани	1,6	1,5	1,7	1,8	2,0	2,4	2,3
Шаҳрисабз тумани	4,5	3,8	4,3	4,3	4,6	5,5	5,9
Яккабоғ тумани	1,7	1,5	1,6	1,7	1,8	2,1	2,2
Вилоят бюджети	55,4	60,8	58,4	53,4	59,6	51,6	51,6
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Манба: Қашқадарё вилояти ҳокимияти Иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

Ушбу жадваллардан хулоса қилиш мумкинки, биринчидан, Қашқадарё вилоятида давлат бюджетига ундирилган даромадларда нисбатан иқтисодий жиҳатдан ривожланган ҳудудларнинг улуши юқори бўлмоқда. Иккинчидан, таҳлил қилинаётган даврларда Қашқадарё вилоятининг юқорида тилга олинган туманларида ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш, яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инвестицион фаолликни янада ривожлантириш ҳисобига янги корхоналарни барпо этиш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, солиқлар бўйича мавжуд

қарздорликни камайтириш ва норасмий секторда фаолият юритувчи субъектларни расмий секторга ўтказиш билан боғлиқ қатор ислохотлар натижасида таъминламоқда.

Хулоса ва таклифлар

Таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, Қашқадарё вилоятида маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлаш, туман ва шаҳарлар кесимида бюджетга тушумлар самарадорлигини ошириш мақсадида, фикримизча, қўйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Маҳаллий солиқлар бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг (шаҳар ва туманлар) бюджет ваколатларини аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ. Бунда, маҳаллий солиқларнинг қатъий туманларга тушуми бўйича қонуний чегаралар белгилаш лозим. Бу ҳар бир маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳудуд солиқ базасини кенгайтириш, ҳудуд бюджет-солиқ салоҳиятини юксалтиришдан манфаатдорлигини оширади.

2. Қўшилган қиймат солиғи ставкаларини босқичма-босқич пасайтириш зарур. Ставкининг пасайтириш эвазига ялпи ички маҳсулотнинг ошиши натижасида йўқотилган солиқ тушумини қоплаш имконияти мавжуд бўлади.

3. Реал сектор корхоналарида юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминловчи инвестицион фаолиятни жадаллаштириш зарур. Ушбу ҳолат ҚҚС бўйича солиқ базасини кенгайтириш учун асос ҳисобланади.

4. Фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базага қайта қўшилувчи харажатлар таркибини қисқартириш ва йирик корхоналар учун ихтиёрий ҳомийлик тўловларини тўлиқ фойда солиғи базасидан чегириш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, инвестицион чегирмаларни тубдан қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

5. Вилоятда йирик реал сектор корхоналарида асосий воситалар қиймат юқори эканлигида мол-мулк солиғи ставкасининг ошиши билан солиқ юки ошиб бораётганлигини эътиборга олиб, ушбу корхоналарда ишлаб чиқаришда (тижорат мақсадида) фойдаланиладиган ва ишлаб чиқаришда фойдаланилмайдиган асосий воситалардан келиб чиққан ҳолда мол-мулк солиғи ставкаларини табақалаштириш мақсадга мувофиқ. Бу орқали ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асосий воситаларга инвестиция қилишни рағбатлантиришга эришилади.

6. Маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада жадаллаштириш лозим. Кичик бизнес субъектлари томонидан яратилган ҳар бир иш ўринлари учун ягона ижтимоий тўловнинг регрессив ставкаларини жорий этиш ва суғурта бадалидан муддатли имтиёзлар татбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

7. Қашқадарё вилоятида дам олиш ва туристик масканларни мавжудлиги ва бу борада салоҳиятининг юқорилигини эътиборга олиб, туристик базаларни, дам олиш оромгоҳларини ташкил этиш учун инвестицияларни кенгроқ жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

8. Маҳаллий бюджетлар даромадлари бўйича режа кўрсаткичини юқори даражада бажарган шаҳар ва туманлар учун режадан ортиқча олинган даромадларнинг 50 %дан ортиқ қисмини ҳудудларга қолдириш бўйича рағбатлар тизимини жорий этиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: 2017. – 104 б.

2. Хайриддинов А.Б. Маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигини таъминлаш йўллари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. автореферати. –Т.: 2011. –б. 13.

3. Исламқулов А.К. Маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлаш масалалари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2016 йил. http://iqtisodiyot.uz/sites/default/files/maqolalar/43_A_Islamqulov.pdf

4. Усмонов Қ.А. Бюджет даромадларини режалаштириш жараёни, усуллари ва уларни такомиллаштириш йўналишлари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2014 йил. http://iqtisodiyot.uz/sites/default/files/maqolalar/16_Q_Usmonov.pdf

5. Зайнутдинова У.Д. Ҳудудлар маҳаллий бюджет даромадларини ошириш масалалари // Ўзбекистон иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишга банк-молия тизимининг самарали таъсирини кучайтириш. Халқаро илмий-амалий конференция тезислари тўплами. Т.: Молия, 2017. -б. 90.

6. Тошматов Ш.А. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришда давлат бюджети даромадлари манбаларини кенгайтириш йўналишлари // Ўзбекистонда молия секторини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. 2017 йил 10 ноябрь. –Т.: ТДИУ, 2017. -б.27-28.

7. Кенжабаев О.Т., Фозилов А.Ф., Алимов О.Р. Республика бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг даромадлар ва харажатларини самарали бошқариш масалалари // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №1, февраль, 2017 йил. <http://www.interfinance.uz>

8. Nico Groenendijk, Annika Yansoo. Fiscal federalism in transition countries: the three Baltic state compared/ Public finance and management/ volume 16, №3, pp.255-280, 2016.

9. Richard A. Musgrave. The Theory of Public Finance. -McGraw-Hill, 1959. – pp.628.

10. Қашқадарё вилояти ҳокимияти Иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари.

11. <https://stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитаси расмий сайти маълумотлари.